



МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ИСЛОМ БАНКЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Байжанов Дамир Сарсенгалиевич -
Қорақалпоқ давлат университети
мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a17

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда ислом банкчилиги фаолиятдан фойдаланиш йўллари, ислом банкчилиги тизимининг моҳияти, ривожланиш тарихи ҳамда республикаимизда ислом банкчилиги инструментларидан фойдаланишни ривожлантириш, шунингдек, унинг афзалликлари таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Хусусан, Ўзбекистонда ислом банкчилиги инструментларидан фойдаланишни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллифнинг тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: ислом банкчилиги, ислом дарчалари, ислом тараққиёт банки, нобанк кредит ташкилотлари, микромолиялаштириш.

ПУТИ РАЗВИТИЯ ИСЛАМСКОЙ БАНКОВСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ НАШЕЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

Байджанов Дамир Сарсенгалиевич -
Независимый исследователь Каракалпакского
государственного университета

Аннотация. В данной статье рассказывается о способах использования исламского банкинга в нашей стране, сущности исламской банковской системы, истории развития и развития использования инструментов исламского банкинга в нашей стране, а также анализе его преимуществ и улучшение перспектив развития. В частности, представлены существующие проблемы в развитии использования исламских банковских инструментов в Узбекистане, а также рекомендуемые автором подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: исламский банкинг, исламские филиалы, исламский банк развития, небанковские кредитные организации, микрофинансирование.

WAYS TO DEVELOP ISLAMIC BANKING IN THE PROCESS OF TRANSFORMING OUR NATIONAL ECONOMY

Baydzhhanov Damir Sarsengalievich -
Independent researcher of Karakalpak State University

Annotation: This article describes the ways of using Islamic banking in our country, the essence of the Islamic banking system, the history of the development and development of the use of Islamic banking tools in our country, as well as an analysis of its advantages and improved development prospects. In particular, the existing problems in the development of the use of Islamic banking instruments in Uzbekistan are presented, as well as the approaches recommended by the author and proposals for their elimination.

Key words: Islamic banking, Islamic branches, Islamic Development Bank, non-bank credit institutions, microfinance.

Кириш. Ҳозирги кунда ислом банкчилиги барча шаклларда намоиш этилган: банклар ва банк бўлмаган молия муассасалар, йирик ва майда, ихтисослаштирилган ва диверсификация қилинган, анъанавий ва инновацион, миллий ва кўп миллатли, эҳтиёткор ва эҳтиётсиз, қатъий тартибда бошқариладиган ва эркин ва ҳ.к.з. Айрим ислом банки муассасалари, айниқса анъанавий банкларнинг «исломий дарчалари» ўз (анъанавий) банкларига тақлид қилишса, бошқалари кескин фарқ қилади (анъанавий банкларлардан). Баъзилари илоҳий қонун-қоидалар асосида фаолият юритса, бошқалари диндан мижозларни жалб қилиш усули сифатида фойдаланади. Муаммо шундаки, ислом банкчилигининг соф ғоялари обрўсига жойлардаги воқелик сабаб путур етиши мумкин. Агар бу соҳа

ривож учун керакли қадамлар қўйилмаса, яъни асл ислом банк-молия соҳасининг ўзига хос жиҳатлари ва энг асосийси унинг руҳияти ўрнатилмаса, жамиятдаги бу соҳага бўлган ишонч йўқолади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади” [1], деб таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ – 765 сонли Қонуни-

нинг қабул қилиниши мамлакатимизда ислом молия инструментларидан фойдаланиш тизимини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Миллий иқтисодиётимизда ислом молия инструментларидан ва ислом молия институтлари хизмат турларини ўрганишдан кўзланган мақсад замонавий шароитларда молия сектори муаммоларини ҳал қилишда муқобил молиялаштириш йўллари ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.

Жаҳон иқтисодиётида анъанавий банк пулни даромади кафолатланган сотиш ёки ижарага бериш мумкин бўлган маҳсулот сифатида кўради, чунки берилган қарз маблағларини йўқотиш хавфи жуда кам (қарз маблағлари ҳам, қарз бўйича фоизлар ҳам лойиҳанинг муваффақияти ёки инқирозидан қатъий-назар доимо кафолатланган бўлади), ислом банки эса ўзини бизнес бўйича ҳамкордек тутуди ва ҳамкорликнинг турига қараб хавфларни бўлишади. Барчага маълумки, агар икки томон хатар ва йўқотишларни ўзаро бўлишса улар молиявий амалиётларда эҳтиёткорлик билан иш тутадилар. Шу тариқа, ислом молияси адолатлироқ, молиявий барқарор ҳамкорлик муҳити яратилишини таъминлайди. Шубҳасиз, бу борада дунё олимлари томонидан ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Хусусан, Халқаро валюта фондининг собиқ раҳбари Кристин Лагарднинг фикрича: “Исломий молия, умуман олганда, мамлакатларда молиявий барқарорликни таъминлаш потенциалига эга, чунки унинг унинг рискларни тақсимлаш хусусияти молиявий қарздорликни камайтиради, молиялаштириш эса аниқ бир активларга боғланган ва шу сабабли тўлиқ кафолатланган[11]” дея ўзининг фикрини билдирган.

Э.Т. Қодиров, Ж.К. Маждидов “Ислом банклари учун лойиҳани молиялаштиришга улуш билан иштирок этиш назарияси жуда ҳам мақбул турдаги операция бўлишига қарамай, ҳақиқатда Ислом банкларининг активлар портфелини катта қисми қисқа муддатли савдо келишувларини молиялаштиришга тўғри келади, қайсики банклар хизмат кўрсатиш устамалари (мурабаха) ҳисобидан фойда олади”[2] дея тарифлайдилар.

Мусаев ва Магомедова [3] эса глобализация шароитида Ислом молиявий институтларининг ривожланиш тенденцияларини характер хусусиятини ўрганган. Иқтисодчи олим Зарипов ўзларининг илмий мақолаларида бугунги кунда жаҳонда, ислом молияси барқарор даражада ривожланаётгани ва юқори ўсиш суръатларини кўрсатаётганини, ислом молиясида анъанавий молиядаги «пул баҳоси» тушунчасига ўрнига «капитал самарадорлиги» [4] деб аталувчи янги

атама жорий этилганлиги ҳақида сўз юритган. Шунингдек, Rafik Yunus al-Misri “Ислом молияси ислом иқтисодий таълимотидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Асосий исломий молия хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади: активларга асосланган, молиялаштириладиган фаолиятга чекловлар ва капитал ҳамда тадбиркорликнинг узлуксизлиги ишлаб чиқариш омиллари сифатида” [5] талқин этади. Ислом молияси – ислом тамойил ва қоидаларига тўлиқ мос келувчи молиявий инструментлар ва қонуниятларни ўз ичига олган тизим. Ислом молиясига нисбатан XXI асрда қизиқиш юқори бўлиб, илмий изланишлар олиб бориш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш борасидаги илмий фаолият кўпайиб бормоқда[6].

Benjamin Avanzi AҚШ халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан фонд бозори бу инфратузилмаси молиявий муассасалар ва унинг мижозлари ўртасидаги муносабатлардир таъриф берган. AҚШ ғазначилик департаменти вакиллари фонл бозори бу-ҳисоб тизими ёки клирингни юритишдаги оператордан тортиб барча хизмат кўрсатувчи молиявий муассасаларнинг кўп қиррали тизимидир таъриф берган. [7]

Европалик иқтисодчи олимлар Акциядорлик компанияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлашдаги муҳим омил капитал бозори бўлиб, айнан молия бозорининг оптималлаштириш орқали миноритар акциядорларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишга эришиш мумкин деб таъкидлаган.[8]

James R.Booth, Dennis T.Officer, Glenn V.Hendersonлар тижорат банклари акциялари, фоиз ставкалари ҳамда тизимли рискнинг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилиб, асосий эътиборни акциялар ва таклиф этилаётган фоизлар бўйича даромадлиликнинг инвестицион жозибадорликка таъсирини қаратади. Шунингдек, капитал жалб қилиш ва уни жойлаштириш жараёнида акциядорлар, омонатчилардан жалб этилган маблағларни бошқариш орқали тизимли рискларни олдини олиш масаласига ҳам жиддий ёндашади. [9]

Қимматли қоғозлар бозори ҳамда у билан боғлиқ савдо тизимлари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги узоқ ва қисқа муддатли муносабатларнинг мавжудлиги ва хусусиятларини Хорватия мисолида Vladimir Arčabić томонидан тадқиқ қилинган. Тадқиқот ишида асосий гипотеза шундаки, узоқ муддатли тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳаракати фонд бозорининг иқтисодий ўсиш йўналишлари доирасида ҳаракатланиши белгиланиши керак, деб таъкидланган.[10]

Амалга оширилган ушбу илмий ишларда ислом молиясининг назарий асослари ҳамда ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари тўлиқ ёритиб берилмаган. Умуман ол-

ганда бугунги кунда ислом молияси жаҳон ҳам-жамияти учун бирмунча, миллий иқтисодиёти-миз учун деярли янги бўлганлиги учун келгу-сида кўплаб изланишларни талаб этилади.

Тадқиқот метадологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, груҳлаш, қиёслаш, рет-роспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида ислом банкчилиги инструментларидан фойдаланиш йўллари назарий ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий тақ-қослаш усулида жаҳон амалиётида ва тараққий этган мамлакатларда ислом банкчилиги инструментларидан фойдаланиш усуллари-нинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиз-даги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар. Ислом банк иши фаолиятини бошланишини аниқ даври ўтган асрнинг 60-йилларининг бошларига тўғри кела-ди. Биринчи Ислом Жамғарма банки Миср давла-тида 1963 йили ташкил топган, лекин унинг фаолияти узок чўзилмаган.

1970 йилларга келиб, Ислом молиявий институтларини яратиш бўйича амалий ишлар жонланиб кетган. 1974 йилда Ислом давлатлари ташкилоти шариат нормалари асосида иқтисо-дий ва ижтимоий дастурларни молиялаштириш учун давлатлараро Ислом ривожлантириш бан-кини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. 1975 йилда Dubai Islamic Commercial Bankи ту-зилди. Ислом банкларини шаклланиш босқичида марказий фигуралардан бири бўлган, Саудия Арабистони Қирол оиласидан шаҳзода Муҳам-мад Фасал, ҳозирда Finance/DarAl Mal гуруҳи-нинг бошлиғи, шунингдек шайх Салех Камел, ҳозирда Aibaraca гуруҳининг бошлиғи.

1977 йили Миср ва Суданда Faisal номи билан иккита банк гуруҳини очишди. 1979 йили Бахрейнда биринчи маротаба Ислом банки таш-кил этилди. Жаҳоннинг барча давлатларидаги каби, Ислом давлатларида ҳам банклар иқтисо-диётда муҳим рол ўйнайди. Лекин Ислом банк-ларининг фаолият тамойили, оддий банк фао-лиятдан тубдан фарқ қилади.

Исломда “рибо” тарзида ҳақ олишни назар-да тутувчи хўжалик операциялари таъқиқлан-ган. “Рибо” деганда пул омонатлари/кредит-ларидан анъанавий фоиз ҳам, қарздан фойда-ланганлик учун қатъий белгиланган тўловлар ҳам тушунилади. Масалан, кредит шартномасида Фуқаролик кодексининг (744–748-моддалари) қарз олувчининг олинган пул суммасидан фоизларни тўлаш мажбурияти назарда тути-лади. Ушбу мажбурият кредит ажратилган лойиҳа қанчалик муваффақият билан яқунланганига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли қатор мусулмон

мамлакатларидаги молия муассасалари, шу-нингдек Ислом тараққиёт банки ўз молия опе-рацияларида бундай қоидаларни қўлламайди-лар.

Шуни қайд этиб ўтамизки, «рибо» таъқиқ-ланганига қарамай, бундай шартларда қарз олган киши шартномани бажаришга мажбур.

Шу билан бирга, мусулмон анъанасига кўра фойда олиш мақсадида биргаликда инве-стиция киритиш хусусида ҳамкорлик битимлари-ни тузиш рад этилмайди. Бу ислом банкиниги учун асос яратди. Унинг асосий жиҳатлари:

- банк омонатлари ўрнига банк ҳамкорла-ри пайлар киритадилар, уларнинг даромад кел-тириши банкнинг даромад кўришига боғлиқ;
- маблағлар Исломда таъқиқланмаган фао-лият учун тақдим этилади;
- фоиз ставкаси, шунингдек қарздан фой-даланганлик учун қатъий белгиланган тўловлар мавжуд эмас;
- банк билан маблағ олувчи ўртасидаги фойда ва зарарлар уларнинг лойиҳага кўшган ҳиссасига мутаносиб миқдорда тақсимланади.

Бундай молиявий операциялар учун те-гишли инфратузилма ва норматив-ҳуқуқий база бўлиши зарур. Шу сабабли мамлакатимизда Ислом банк иши ва молия принципларини иш-лаб чиқиш ва жорий этиш бўйича комиссияни ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги ЎРҚ – 765 сонли “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида” ги қонунининг қабул қилиниши мамлакатимиз-да ислом молия инструментларидан фойдала-ниш тизимини ривожлантиришдаги муҳим қа-дамлардан бири бўлди.

Ушбу қонунда Исломий молиялаштиришга оид хизматлар деганда исломий молиялашти-ришни амалга ошириш стандартларини белги-ловчи халқаро ташкилотларнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган тартибда кўр-сатиладиган молиявий хизматлар тушунилади. Бугунги кунда «Ислом тараққиёт банки» гуруҳи таркибига кирувчи «Хусусий тармоқни ривожлантириш Ислом корпорацияси» (ICD) Ўзбекистоннинг бир неча тижорат банкларида ислом молия маҳсулотлари ва хизматлари тақ-дим этувчи дарчаларни («ислом дарчалари») очиш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб бор-моқда.

Ислом дарчалари фаолиятини тушуниш учун биринчи навбатда ислом банкчилигини анъанавий банкчиликдан қандай фарқлари бор-лиги ҳамда тақлиф қилинаётган хизматлар ва маҳсулотлар турларини билиб олиш мақсадга мувофиқ.



1-расм. Хусусий тармоқни ривожлантириш Ислом Корпорацияси (ICD) фаолияти[12]

Умуман, ислом молияси қарз бериш ё молиялаштириш ишларида айнан шариат тамойиллари ва қоидаларига асосланган жараёнларни қамраб олиши ҳамда ислом молия тамойилларига мос бўлган битимлар тузади. Шу билан, ислом молияси анъанавий молиялаштириш ёки қарз беришдан фарқ қилади. Масалан, гўшт маҳсулотини олайлик, ҳайвон ёки парранданинг ислом дини талабларига риоя қилган ҳолда сўйилиши уни (яъни гўштни) ҳалол гўшт сифатида талқин қилинишига сабаб бўлади. Худди шу каби, молиялаштириш ёки қарз беришда, ёки бошқача айтганда, тарафларнинг молиявий муносабатларга киришишида ислом дини талаб-

ларига амал қилиниши молиявий маҳсулот ва хизматларни ҳалол/шаръий деб эътироф этилишига сабаб бўлади.

Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ICD) мамлакатда ислом молиясининг ривожланишида алоҳида ўрин эгаллаган. Шу кунга қадар ушбу ташкилот томонидан умумий миқдори 400 миллион АҚШ доллари тенг маблағ мамлакатдаги 18та тижорат банклари, 2 та лизинг компанияси орқали 260 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакилларини тўғридан тўғри молиялаштириш учун йўналтирилди ва шу орқали 5,000дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилишига эришилди[13].

Раҳбарлар ва ходимларнинг масъулияти	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Бундай тижорат фаолиятини олиб боровчи молиявий муассаса раҳбарлари ушбу концепцияга тўлиқ ишониши ва унга тўлиқ содиқ ва фидойи бўлиши керак. ➢ Фатволар ва шартномалар қанчалик қатъий бўлмасин, Шариат тамойилларига риоя қилишга етарлича самимий ва содиқ одам бўлмаса, Исломий дарча фаолиятини тўғри йўлга қўйилишини таъминлаш. ➢ Ислом дарчаси бўйича масъул ходимлар анъанавий банкчилик билан шўғулланувчи ходимлардан ажралиб туриши ва уларни танлаб олишда эса, уларнинг ислом битимлари юзасидан тушунча ва масъулиятини ҳисобга олиш керак бўлади.
Ресурсларни / маблағларни тўлиқ ажратилганлиги	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Ислом дарчасининг ҳисобварақлари анъанавий банкнинг фаолиятдан алоҳида ва ажратилган ҳолда юритилиши керак. ➢ Исломий дарча томонидан тақдим қилинаётган барча хизматлар анъанавий банкчилик хизматларидан алоҳида ва мустақил бўлиши керак. ➢ Юқоридаги талабларнинг бажаралишини эса тегишли дастурий таъминот орқали таъминлаш мумкин.
Шариат Кенгаши / Қўмитаси	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Ҳар қандай ислом молия муассасаси учун мустақил Шариат қузатув кенгаши бўлиши талаб этилади ва ушбу кенгаш молиявий амалиётлар бўйича фатволар чиқариши учун юқори малакага эга бўлган ишончли олимлардан иборат бўлиши керак. ➢ Йил давомида амалга оширилган операциялар Шариат нуқтаи назаридан назорат қилиниб турилиши, ушбу операциялардан олинган даромадларнинг ҳалол бўлишини таъминлайди.
AAOIFI билан мувофиқлик	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Ислом молия муассасалари учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилоти (AAOIFI) барча ислом молия институтлар риоя қилиши ва амалга ошириши керак бўлган бир қатор бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартларини жорий қилган. ➢ Чалкашлиқлар, тушунмовчиликлар ва ноаниқликларга йўл қўймалик, аниқ ва соғлом иш фаолиятини таъминлаш учун молия муассасалари ушбу стандартларга риоя қилишлари керак бўлади.

2-расм. Ислом дарчасига қўйиладиган талаблар[13]

Ўзбекистонда ислом молия хизматлари са-ноатининг кенг қамровли жорий этилиши мамлакат учун қуйидаги имкониятларни очишига имкон яратиши мумкин:

- хориждан келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш;
- банк тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизими активларини диверсификациялаш имкониятини яратиш;
- аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларининг иқтисодиёт ривожланишида максимал иштирокини таъминлаш;
- мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш ва диверсификациялаш;
- қўплаб янги иш ўринлари яратиш;
- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали, молия бозоридаги фаоллигини кўтариш;
- Ислом молия хизматлари индустриясини ривожлантириш орқали мамлакатда инфратузилмани мувофиқлаштириш ва янгилаш;
- янги молиявий муассасалар ташкил қилиш;
- камбағалликка қарши курашиш давлат дастурини амалга оширишга ҳисса қўшиш;
- янги йўналишда кадрлар тайёрлаш дастурини яратиш

Мазкур ишларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон ислом молияси соҳасида МДХ давлатлари ичида етакчи мамлакатга айланиши шубҳасиз. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, исломий молиявий хизматлар соҳаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим омил, пойдевор ва ривожланиш истиқболи бўлади, натижада ўз маданиятида Исломнинг чуқур илдизларини акс эттирган мамлакатга хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортади ва ҳукумат ушбу имкониятдан халқ фаровонлиги ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишида тўлақонли фойдаланишга эришиши мумкин бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 декабрдаги “Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2019 йил 5 мартдаги “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида”ги қарорлари айна ислохотларга ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг учун мамлакатимизда ислом банкчилиги фаолиятдан фойдаланиш йўллари ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган қуйидаги омилларни бартараф этиш лозим:

1. “Ислом дарчаси” – анъанавий молия муассасалари қошида махсус бўлинма/филиал ёки шохобча шаклида ташкил этилади. Бундай шохобчаларни тузишдан асосий мақсад – анъанавий банк муассасалари махсулот ва хизматларидан эмас балки ўз диний қарашлари туфайли ислом молияси тамойиллари доирасида фаолият юритувчи молия муассасалари билан ишлашни афзал кўрувчи мижозлар эҳтиёжини қондириш ва шу орқали бор мижозларни сақлаб қолиш, ҳамда банкка янги мижозлар жалб қилиш. Анъанавий банкларнинг ислом дарчалари очишдан яна бир мақсади тўлақонли ислом банклари билан рақобат имкониятларини оширишдир.

2. Исломий банклар мижоз талаби билан объектни қуриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хомашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиёти ётади. Замонавий банк тизимида эса банкларнинг савдо амалиётларини амалга ошириш қонунчилик нуқтайи назаридан мушкул бўлиб, бунга солиқ ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсқинлик қилади.

3. Ислом молияси бир қатор давлатларда муваффақиятли ишламоқда. Ўтган йиллар давомида «старт» (яъни бошланғич даражадаги) шаклда ривожланган ислом молия тизими бугунги кунга келиб етарли даражада тажриба орттирди ва мана энди шу орттирилган тажриба билан бўлишиш учун халқаро миқёсга чиқиш вақти келди. Ислом банклари ва бутун соҳа вакиллари янги бозорларга (яъни ўз миллий чегараларидан ташқарига) дадил чиқиб бориши, бизнес ҳамкорликни ва «жануб-жануб» кўринишидаги (яъни ривожланаётган давлатлар ўртасидаги, масалан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) аъзолари ўртасидаги) халқаро савдони илгари суриши ва қўллаб-қувватлаши, ҳамда ислом банк-молия тизимини жорий қилаётган давлатларда тўлақонли ҳуқуқий/молиявий ислом инфратузилмасини яратиш бўйича маҳаллий мувофиқлаштирувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>. 2020 йил 29 декабрь.
2. Қодиров Э.Т., Мажидов Ж.К. Хорижий мамлакатларда банк иши. Ўқув қўлланма. – Т., 2016 йил. 184 бет.
3. Мусаев Р.А., Магомедова Ю.Д. Тенденции развития исламских финансовых институтов в условиях глобализации в журнале Проблемы теории и практики управления, издательство ООО «Международная Медиа Группа» (Москва), № 11

4. Зарипов И.А. (2016) Исламские финансы как стратегический ориентир развития России. / Zaripov I.A. (2016) *Islamic finance as a strategic landmark for the development of Russia*. <https://cyberleninka.ru/>.
5. Rafik Yunus al-Misri. Fikhh imushchestvennykh otnosheniy. / per. s arab. [Fiqh property relations. / translated from Arabic] / D.Adzhi; redsovet: B.F.Mulyukov and others, - Moskva: Islamskaya kn., 2014. – P. 320.
6. Хайдаров Ў.А. “Логистика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнали. 2022 йил 1-сон. 362-369-б.
7. Benjamin Avanzi, Hayden Lau, Bernard Wong On the optimality of joint periodic and extraordinary dividend strategies//European Journal of Operational Research, Available online 24 April 2021.
8. Rodrigo Saens, Tamara Tigero Mandatory dividend rules and the investment decision: The case of Chile//The North American Journal of Economics and Finance Volume 56, April 2021, 101373
9. James R. Booth, Dennis T. Officer, Glenn V. Henderson. Commercial bank stocks, interest rates, and systematic risk. // Journal of Economics and Business. Volume 37, Issue-4, December, 1985. Pages 303-310.
10. Vladimir Arčabić (2013). The relationship between the stock market and foreign direct investment in Croatia: Evidence from VAR and Co-integration analysis. *Financial theory and practice* 37 (1) 109-126
11. <https://news.rambler.ru/person/lagard-kristin/>
12. Хусусий тармоқни ривожлантириш бўйича Ислох Корпорациясининг статистик маълумотлари
13. <https://icd-ps.org/> сайти маълумотлари асосида ишлаб чиқилди



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Хамроев Шерзод Ахтамович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Банк иши ва инвестициялар кафедраси
катта ўқитувчиси,

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a18](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a18)

Аннотация. Мақолада тижорат банкларида рискларни мониторинг қилишнинг замонавий ҳолатининг таҳлили ўз аксини топган. Шунингдек, банк рисклари ва уларни мониторинг қилиш борасидаги илмий тадқиқот натижалари акс эттирилган. Тижорат банкларида ликвидлик рискни самарали бошқариш ва мониторинг қилиш элементлари ва уларни эксперт баҳолаш натижалари кўриб чиқилган. Мақолада таҳлил натижаларига кўра, банк рискларини мониторинг қилишга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк рисклари, банк рискларини мониторинг қилиш, тижорат банки, ликвидлик rischi, операцион риск, молиявий барқарорлик.

АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ МОНИТОРИНГА РИСКА В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Хамроев Шерзод Ахтамович -
Ташкентский государственный экономический университет,
Старший преподаватель кафедры Банковского дела и инвестиций

Аннотация. В статье отражен анализ современного состояния риск-мониторинга в коммерческих банках. Также отражены результаты научных исследований банковских рисков и их мониторинга. Рассмотрены элементы эффективного управления и мониторинга риска ликвидности в коммерческих банках и результаты их экспертной оценки. В статье по результатам анализа разработаны предложения по мониторингу банковских рисков.

Ключевые слова: банковские риски, мониторинг банковских рисков, коммерческий банк, риск ликвидности, операционный риск, финансовая устойчивость.

ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF RISK MONITORING IN COMMERCIAL BANKS

Khamroev Sherzod Akhtamovich -
Tashkent State University of Economics,
Senior lecturer of the Department of Banking and Investments

Annotation. The article reflects the analysis of the current state of risk monitoring in commercial banks. The results of scientific research of banking risks and their monitoring are also reflected. The elements of effective management and monitoring of liquidity risk in commercial banks and the results of their expert evaluation are considered. Based on the results of the analysis, the article developed proposals for monitoring banking risks.

Key words: banking risks, monitoring of banking risks, commercial bank, liquidity risk, operational risk, financial stability.

Кириш. Жаҳон молия тизимининг глобал ўзгариши шароитида Ўзбекистонда молиявий хизматлар бозорининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш зарурати тобора ошиб бормоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташки-

лоти (ОЕСД) томонидан эълон қилинган “COVID-19 инқирози ва банк тизимининг барқарорлиги” номли ҳисоботида қуйидагилар алоҳида таъкидланди: “...уч йилда дунё миқёсида кенг тарқалган коронавирус пандемияси оқибатида юзасига келган рисклар банкларнинг молиявий бар-